

Qishloq hayoti

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2025-yil 31-iyul, payshanba

30 (9350)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ЧОРАЛАРИ МУҚОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 29 июль куни маиший коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишди.

Бу жудаям долзарб, кўпчилик аҳолига дахлдор масала. Чунки коррупциявий ҳолатларнинг 75 фоизи шаҳар ва туманларда маиший шаклда бўляпти.

Шу боис 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида бу илатга барҳам бериш вазифаси қўйилган эди. Шу мақсадда, Президентнинг 21 апрелдаги фармони билан Бош прокуратурада коррупция омилларини таҳлил қилиш бўлими ташкил қилинди. Худудларга мунтазам чиқиб, бундай омиллар ўрганиб борилмоқда.

Прокуратура тизимидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ва илмий-тадқиқот марказида 200 дан ортиқ мутахассис илм ва таҳлил билан шуғулланаяпти. Умуман, ҳуқуқ-тартибот идораларида 100 мингдан зиёд ходим коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлаяпти.

Лекин кўп ҳолларда бу илатнинг сабаблари четда қолиб, оқибати билан курашиляпти. Коррупцияга йўл қўймайдиган превентив чоралар ҳали етарли эмас. Ҳар куни одамларнинг иши тушадиган ҳокимлик, кадастр, банк ва солиқ идораларида бюрократия, "коррупциявий туйнуқлар" тўлиқ йўқолгани йўқ.

Тақдимотда шу борадаги қўшимча чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Юртимизда 43 та назорат идораси бор. Ҳамма вазирликларда комплаенс назорат бўлимлари ташкил этилган. Аввало, уларнинг самардорлигини ошириш вазифаси қўйилди. Вазирлик ва идоралар ҳузуридаги инспекцияларнинг бу борадаги фаолиятига ҳам танқидий муносабат билдирилди.

Президентимиз коррупциянинг фақат камайгани эмас, қанчасининг олди олинганига қараб, давлат идоралари фаолиятини баҳолаш кераклигини таъкидлади.

Ер ажратиш бўйича шаффоф тизим жорий қилинган. Лекин, жойларда бу борада ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳалигача учраб турибди. Шу боис кадастр, "Ўзбеккосмос", курилиш ва бошқа тегишли ташкилотлар маълумотларини таҳлил қилиб, бундай ҳолатларга бутунлай чек қўйиш шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Прокуратура тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва барча соҳалар устидан "рақамли назорат" ўрнатиш зарурлиги таъкидланди.

Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида парламентнинг масъул қўмиталарига маҳаллагача тушиб, коррупцион ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, давлат харидларида тўғридан-тўғри шартномаларни камайитириш, ёшлар ўрта-сида коррупцияга мурасасизлик муҳитини шакллантириш каби долзарб масалаларда тавсиялар берилган эди.

Тақдимотда бунга масъуллар бажарилган ишлар тўғрисида ахборот берди.

ЎзА



Сирдарё: Сардоба қовунлари

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат

ЎЗАДА ХАЗМОГАМ ВА КЛЕЙСТОГАМ ГУЛЛАШ БЕЛГИЛАРИ

ҚАНДАЙ КЕЧАДИ?



ДУНЁДА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИНГ ГЛОБАЛ РАВИШДА ЎЗГАРИШИ МУҲИМ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИГА ҲАМ САЛБИЙ ТАЪСИР ЭТИБ КЕЛМОҚДА. ШУНИНГ УЧУН, ПАХТА ЕТИШТИРUVЧИ ДАВЛАТЛАРДА ТУРЛИ СТРЕСС ОМИЛЛАРГА ТАБИЙ БАРДОШЛИ, ҲОСИЛДОР ВА ТОЛА СИФАТИ ЮҚОРИ БЎЛГАН ЯНГИ ЎЗА НАВЛАРИНИ ЯРАТИШГА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ГЕНЕТИКА ВА СЕЛЕКЦИЯ СОҲАЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН ШУ КУННИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИДАН БИРИ БУ ИЗЛАНИШЛАРДА МОРФОБИОЛОГИК ВА ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИ ВА ХУСУСИЯТЛАРНИ МАЖМУИ БИЛАН БОҒЛАШНИ ТАҚВОЗО ҚИЛАДИ. РЕСПУБЛИКАМИЗ СЕЛЕКЦИОНЕР ОЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН СЎНГИ ЙИЛЛАРДА ПАХТАЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ИЛМИЙ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

(Давоми 3-саҳифада)


ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКСПОРТИНИ КЎПАЙТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ЗАХИРА ВА ИМКОНИАТЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 30 ИЮЛЬ КУНИ МЕВА-САБЗАВОТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКСПОРТИНИ КЎПАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ БЎЙИЧА ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ.

Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳаси салоҳияти юқори. Сўнгги уч йилда 250 минг гектар пахта ва ғалла ери қисқартирилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари учун ажратилди. 160 минг гектар янги боғ ва тоқзор барпо этилди, эскирган 107 минг гектари янгиланди. 1 миллиард долларлик 1 минг 500 та озиқ-овқат лойиҳаси ишга туширилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Шу ойда Ўзбекистон БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти – ФАО Кенгаши аъзолигига сайланди. Бу – миллий ва минтақавий ташаббусларни илгари суриш, янги лойиҳаларга маблағ жалб қилиш учун катта имконият.

Маҳсулотларимиз табиий ва ширин бўлгани учун чет элларда жуда қадрланади. Ташқи бозорларда "Ўзбекистонда етиштирилган" деган бренд шаклланди.



Айниқса, қуритилган олхўри ва ўрик, шафтоли, майиз, гилос, дуккакли маҳсулотлар экспорти бўйича юртимиз дунёда юқори ўринларда туради.

Жорий йилнинг 6 ойида озиқ-овқат экспорти 44 фоиз ўсиб, 1 миллиард 326 миллион доллар бўлди. Экспорт географияси 16 та давлатга кўпайди.

Шу билан бирга, дунёдаги вазият қалтис бўлиб бораяпти. Об-ҳаво инжикликлари кўпайиб, одатий ҳолга айланаяпти. Бундай шароитда ҳар бир экспорт бозори ўта муҳим.

Лекин ҳамма жойда ҳам имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Масалан, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг суръати бўйича бошқа худудлардан ортда қолган. Навоий вилояти эса ўтган йилги кўрсаткичларига ҳам етмаган. 21 та туманда экспорт ўтган йилга нисбатан 70 фоизга ҳам бормаган.

Ёки, бу йилги мева-сабзавот экспортининг 80 фоизи фақатгина 5 та давлатга бўлган. Буюк Британия, Италия, Швеция, Япония, Ҳиндистон, Қатар каби талаб юқори ўлкаларга экспортимиз кам. Хориждаги элчихона ва консулхоналарнинг бу борадаги ўрни сезилмаётгани, савдо маслаҳатчиларининг фаолияти суст экани қайд этилди.

Йиғилишда шу каби камчиликлар таҳлил қилиниб, қишлоқ хўжалигида самарадорлик ва экспортни ошириш чора-тадбирлари белгиланди. Бу иқтисодий хавфсизликнинг устувор йўналиши экани таъкидланди. Шу боис об-ҳаво ва шароитга мослашиб, иссиқ ва совуққа, сувсизликка чидамли маҳсулотлар етиштиришга ўтиш зарурлиги айтилди.

Худудлар кесимидаги таҳлиллар асосида экспорт бўйича янги захира ва имкониятлар кўрсатиб ўтилди.

(Давоми 2-саҳифада)

НАМАНГАНДА

МЕДИА МАРКАЗ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

ВИЛОЯТ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИК ВА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ БОШҚАРМАСИ, УНИНГ ТАРКИБИДАГИ ШАҲАР ВА 13 ТА ТУМАН БЎЛИМЛАРИДА 303 НАФАР ШИФОКОР, 610 НАФАР ЎРТА МАХСУС ТИББИЁТ ХОДИМИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА. ШИФОКОРЛАРНИНГ 152 НАФАРИ, ЎРТА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ 330 НАФАРИ МАЛАКА ТОИФАСИГА ЭГА. МАВЖУД МУАССАСАЛАР ЛОЙИҲА СМЕТА ҲУЖЖАТЛАРИ АСОСИДА ҚУРИЛИБ, ИККИ, УЧ ҚАВАТЛИ БИНОЛАРДА ЖОЙЛАШГАН. ЗАМОНАВИЙ ЛАБОРАТОРИЯ ЖИҲОЗЛАРИ ВА АСБОБ-УСКУНАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН.

(Давоми 3-саҳифада)

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ОЛТИНСОЙЛИК ИРРИГАТОРЛАР

СУҒОРИШ ТАРМОҚЛАРИНИ БЕТОНЛАШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА



ОЛТИНСОЙ ТУМАНИДАГИ ЭКИН МАЙДОНЛАРИ ВА АҲОЛИ ТОМОРҚАЛАРИНИ СУҒОРИШ УЧУН БИР НЕЧА КАНАЛЛАРДАН СУВ ОЛИНАДИ.

(Давоми 3-саҳифада)

UNFSS+4 якунланди: ЎЗБЕКИСТОН ГЛОБАЛ МУЛОҚОТДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТДИ

БМТнинг Озиқ-овқат тизимлари бўйича Иккинчи умумжаҳон мулоқоти (UNFSS+4) доирасида Эфиопиянинг Аддис-Абеба шаҳрида бўлиб ўтган ёпилиш маросими (Closing Plenary)да Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдурахмонов иштирок этди.



Маросим Эфиопия ва Италия ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда БМТ Бош котибининг ўринбосари, Эфиопия ва Италия вакиллари, назорат гуруҳи раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Ёпилиш сессиясида саммит доирасидаги барча муҳокамалардан келиб чиққан асосий хулосалар ва келгуси икки йилга мўлжалланган устувор йўналишлар ҳақида БМТ Бош котиби томонидан махсус "Call-to-Action" – яъни амалий чоралар кўришга даъват тақдим этилди.

Вазир Иброҳим Абдурахмоновнинг мазкур ёпилиш маросимидаги иштироки Ўзбекистоннинг глобал озиқ-овқат сиёсати бўйича муҳим жараёнларда фаол иштирок этаётганини яққол намоён этди.

Бу иштирок мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги ташаббусларга содиқлигини, барқарор ва адолатли озиқ-овқат тизимларини шакллантириш борасидаги қатъий позициясини яна бир бор тасдиқлади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати

ҚАЙ ҲОЛЛАРДА ЕРИЖАРА ШАРТНОМАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ?

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР КОДЕКСИДА ЕР
УЧАСТКАЛАРИНИ ИЖАРАГА ОЛИШ ШАРТНОМАСИНИ
МУДДАТИДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИШ ТАРАФЛАРИНИ
КЕЛИШУВИ БИЛАН, БУНДАЙ КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛМАГАН
ТАҚДИРДА ЭСА, СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ БИЛАН
АМАЛГА ОШИРИЛИШИ БЕЛГИЛАНГАН.**

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назорати Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 3-бобида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга оширувчи давлат органларининг вазифалари қайд қилинган бўлиб, мазкур бобнинг 12-банди ўзинича хат-бошида ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини тўлиқ ёки қисман олиб қўйиш тўғрисида тақдимномалар ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар унумдорлигининг пасайиш ҳолатлари ҳақида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига маълумотлар киритиш ҳуқуқи белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судларда ерга оид низоларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 2023 йил 20 ноябрдаги 28-сонли қарорининг 26-бандида судлар фермер хўжаликлари билан ер участкаси ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ишларни кўришда Фуқаролик кодексининг 384-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида" ги Низом талабларига риоя қилинганлигини текширишлари лозимлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Ер кодексининг 24-моддасида ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилиши белгиланган. Худди шундай қонда шартноманинг 16-бандида ҳам назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ, тарафлардан

бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса ҳамда ушбу Кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкинлиги, ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш, деб белгиланган. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёкин шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексидан ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига номувофиқ фойдаланилганида, ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эғалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бекор қилиниши белгиланган.

Жавобгарнинг пахта ва дон экишига мўлжалланган ерларга бошқа экинлар экиши, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган экин майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш ер ижара шартномасини кўп олд равишда бузиш, деб баҳоланади. Бу эса ўз навбатида, фермер хўжалигининг ер участкасига бўлган ҳуқуқи ва ер ижара шартномасини бекор қилиш учун асос бўлади.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленумининг "Қишлоқ хўжалигида қонунчиликни таъминлаш ва ердан фойдаланишдаги сунистеъмочликларнинг олдини олишда иқтисодий судларнинг ролини ошириш тўғрисида" ги қароридан тушунтириш берилган.

Улғабек ҚУРБОНОВ,

Сирдарё туманларо иқтисодий суди раиси.



ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКСПОРТИНИ КЎПАЙТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ЗАХИРА ВА ИМКОНИЯТЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Соҳа мутасаддилари ҳалигача эскича ишлаётгани оқибатида ўтган йили мева-сабзавот экспортининг 75 фоизи май-октябрга, яъни, жаҳон бозори махсулотга тўйинган даврга тўғри келган. Қимматроқ сотиш ва мунтазам етказиб бериш учун эса қайта ишлашни ривожлантириш керак.

Масалан, илғор тадбиркорлар олчани "шок" усулида музлатиб, қишда сотишни бошлаган. Юртимизда етишмагани учун қўшни давлатлардан олиб келиб, рэкспорт ҳам қилган. Шулардан келиб чиқиб, дала четидан экспортбон махсулотлар, хусусан, олчани кўпайтириш зарурлиги айтилди.

Бу йил худудларда 16 та замонавий қадоқлаш корхонаси ишга тушди. Лекин бу ҳали етарли эмас. Экспортга кетаётган мева-сабзавотнинг 18 фоизи замонавий қадоқланяпти, холос. Шунинг учун йил якунигача яна 15 та корхонани ишга тушириш вазифаси қўйилди.



Энг катта экспорт захираларимиздан бири – дуккакли махсулотлар. Ҳар йили 450 миллион долларлик ловия, мош, тарих ва нўхат экспорт қилинапти. Лекин ишчи кучи етишмагани учун ҳосилнинг 30 фоизи тўқилиб, исроф бўляпти, катта миқдорда экспорт имконияти бой берилаяпти.

Ривожланган мамлакатларда фермерлар дуккакли экинларни махсус комбайнларда йиғиштиради. Шу боис Қишлоқ хўжалиги жамғармасидан бундай техникаларга 15 фоизгача субсидия бериш белгиланди. Кредит ставкасининг 10 фоиздан ошган қисми ҳам қоплаб берилди.

Шунингдек, экспортчиларга ташиш харажатларини қисқартириш учун божхона режимида қайта ишланган махсулотни исталган постдан экспорт қилиш имкони берилди.

Бугунги кунда янги боғлар барпо қилиш ва эскиларини янгилаш учун 350 миллион дона серҳосил ва экспортбон мева кўчатларига эҳтиёж бор. 16 та туманда ташкил этилган "Агростар" компаниялари шу мақсадга қаратилган. Улар ишни, аввало, шундан – уруғ, кўчат ва ўғитдан бошлаши кераклиги таъкидланди.

Шу боис "Агростар" компаниялари учун "in vitro" лабораториялари, мазкур туманларда сақлаш, қадоқлаш, саралаш ва қайта ишлашни ўз ичига олган замонавий агромажмуалар барпо этиш бўйича топшириқ берилди.

Юртимизда 5 минг 100 гектар иссиқхоналар бўлиб, сўнгги етти йилда уларда етиштирилдиган махсулот ҳажми 110 минг тоннадан 546 минг тоннага кўпайган.



ёқилгига ўтган ҳамда экспорт мажбуриятини олган иссиқхоналарга ҳам табиий газга қайтиш имкони яратилди. Айланма маблағ етарли бўлиши учун олдиндан тўлов октябрь-март ойларига 50 фоиз қилиб белгиланади. Бунда иссиқхоналар газ корхоналари билан 1 октябргача шартнома имзолайди.

Кўмир ёки бошқа муқобил иситиш тизимига ўтган иссиқхоналарга ажратилган кредит муддати узайтирилади. Иссиқлик насослари технологияси асосида иссиқхона ташкил қилган газ харажатларининг 20 фоизгача қисми, бу ишлар кредит ҳисобидан бўлса, кредит ставкасининг 4 фоизи қоплаб берилди.

Яна бир янгилик – бундан буён иссиқхоналар, тоифасидан қатъи назар, ер солигини қишлоқ хўжалиги ерлари ставкасида тўлайди. 2028 йилга қадар иссиқхона ишчилари учун ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизга туширилади.

Солиқ қўмитасига иссиқхоналардан қисқартирилган газ қайси соҳаларга йўналтирилгани ва уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш вазифаси топширилади. Агар у тармоқда қўшилган қиймат кам бўлса, газ иссиқхоналарга йўналтирилади.

Экологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда, Тошкент вилоятидаги иссиқхоналар фаолиятининг ҳаво сифатида салбий таъсири билан махсулот муаммоларни узил-кесил ҳал қилиш вазифаси қўйилди.

Ҳозиргача 224 минг гектарда сув тежовчи технологиялар жорий қи-

лингани яхши самара берди. Бунинг натижасида 420 миллион кубметр сув иқтисод қилиниб, қўшимча 65 минг гектарда мева-сабзавот етиштириш имконияти яратилди. Бунинг учун ўтган йили 2,6 триллион сўм, жорий йил эса 1,2 триллион сўм сарфланди.

Йил якунигача яна 10 минг гектарда томчилатиб ва ёмғирлатиб сугоришни йўлга қўйиб, 200 минг гектарни лазерли текислаш режалаштирилган. Иқтисодиёт ва молия вазирлигига бунинг учун 500 миллиард сўм маблағ ажратиш, келаси йил дастури учун 2 триллион сўм ресурс шакллантириш топширилди.

Маълумки, яқинда дала четига экин экиш, кооперациялар бўйича қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, Сув кодексининг қабул қилиниши сув танқислиги шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу ишларни давом эттириб, қишлоқ хўжалигида даромадни ошириш, экспортни рағбатлантириш, илғор стандартларни жорий этиш бўйича ҳам қонунчиликни мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Ҳукуматга экспортчи, иссиқхоначи ва мева-сабзавот етиштирувчилар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиб, давлат идораларига боғлиқ барча муаммоларни аниқлаш, уларни жойида ҳал қилиб бориш вазифаси қўйилди.

Йилигидан тадбиркорларнинг намунали тажрибалари кўриб чиқилди, мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

ЎЗА

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК – ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

**САМАРҚАНД ШАҲРИДА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛДИ.**

**ДАСТАБ, ВИЛОЯТ ЁШЛАР МАРКАЗИДА ВИЛОЯТДАГИ МИЛЛИЙ-
МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР РАҲБАРЛАРИ, ТУРЛИ МИЛЛАТЛАР
ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА КЎРГАЗМА ВА КОНЦЕРТ
ДАСТУРИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ.**

Самарқанд вилоятида 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил, бир оила бўлиб ҳаёт кечирмоқда. 11 миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз миллий анъана ва қадриятлари, урф-одатларини сақлаб қолдиришлари учун ҳеч қандай монелик йўқ. Аксинча, вилоят ва шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан "Дўстлик уйи" ташкил этилган ва бу масканда барча миллий-маданий марказлар, вилоятдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари учун хоналар ажратилиб, зарур шароит яратилган.

Кўргазмада ҳар бир миллий-маданий марказ ўз миллатига хос кийим-кечак ва буюмлар, таомлар, хунармандлик махсулотлари намуналарини намоиш этди. Концерт дастури ҳам турли миллатларнинг куй-қўшиқ ва рақсларидан иборат бўлди.

Тадбирда вилоят ҳокимлиги масъулари иштирок этиб, йиғилганларни Халқлар дўстлиги куни билан табриклади.

– Гарчи Халқлар дўстлиги куни 30 июлга белгиланган бўлса-да, биз – кўп миллатли Самарқанд аҳли бир неча кундан буён ушбу санани нишонлапмиз, – дейди Корейс миллий-маданий маркази раҳбари Лариса Цой. – Бу юртимиздаги миллатлараро тотувлик ва барқарорликнинг муҳим омиллиги ўз анъана ва қадриятлари асосида ҳаёт кечирилари учун ҳеч қандай монелик йўқ. Аксинча, вилоят ва шаҳар ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари доим фаол қўллаб-қувватлашади. Маҳаллаларда ҳам бир неча миллат



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

вакиллари тотув умр кечиряпмиз. Бу албатта, кеча давлатимиз раҳбари томонидан йўланган табрикда қайд этилганидек мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омиллиги бўлган миллатлараро муносабатларни ривожлантириш юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этилишини устувор йўналиши сифатида белгилаб олингани самарасидир.

Тадбирлар вилоят "Дўстлик уйи" да давом этди. Бу ерда вилоятдаги миллий-маданият марказлари раҳбарлари ва вакиллари, шунингдек, аҳоли ўртасида дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ фаолларга вилоят ҳокимлигининг ташахкурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА муҳбири.

(Боши 1-саҳифада)

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасининг янги ташкил этилган Давлатобод ва Янги Наманган туманлари бўлимларига бино қуриш учун алоҳида ер ажратилган. Давлатободнинг "Юксалиш" маҳалласидаги 0,5 гектар ер майдонида қурилиш ишлари олиб борилиб, бунинг учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 2024 йилда 6,1 млрд. сўм маблағ йўналтирилди ва ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилди. Янги Наманган тумани бўлими биноси қурилиши учун ҳам худди шунча майдонда лойиҳалаш ва экспертизадан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда.

Кундан-кунга замонавийлик касб этиб, ободонлашиб бораётган бошқарма худудида эътирофга арзигулик бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Шунга алоҳида таъкидлаш керакки, "UNOPS" халқаро ташкилоти томонидан икки қаватли вирусология ва ўта хавфли юқумли касалликлар лабораториялари учун янги бино барпо этиш ишлари жадал суръатда олиб борилаётир.



НАМАНГАНДА МЕДИА МАРКАЗ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Уйчи ва Поп туманлари бўлимлари лабораториялари комплекси халқаро стандартлар талабларига мувофиқ жиҳозланди. Аккредитациядан ўтказиш учун тайёр ҳолга келтирилди. Сўнгги йилларда энергия тежамкор ва яшил энергия тамойилларига асосан, виллоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари қуёш панеллари билан жиҳозланиб, электр энергия билан узлуксиз таъминот йўлга қўйилди.

Ташкилот ва унинг қўйи бўғимларининг моддий-техник базасини ривожлантириш учун ўтган йиллар мобайнида 7 млрд. 193 млн. сўмлик лаборатория жиҳозлари харид қилинди. Санитария-гигиена лабораториясига 3,343 млрд. сўм, паразитология лабораториясига 550 млн. сўм, бактериология лабораториясига 1 млрд. 400 млн. сўм, вирусология лабораториясига 1 млрд. 900 млн. сўмлик замонавий жиҳозлар ўрнатилди. Бундан ташқари, ҳар бир туманга "Дамас", "Чанган" вакцина ташиш автомашиналари, бошқармага иккита "Нексия-3", "Чанган", "ЖАК", "Лада Веста", "Рено дастер" русумидаги йўл танламас автомашиналар келтирилди.

Таъкидлаш жоизки, виллоят бошқармаси тасарруфида жами 30 та бактериология лабораториялари фаолият кўрсатиб келяпти. Улардан 15 таси бошқарма қошида, унинг тенг ярми эса шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари таркибидаги клиник-диагностик бактериологик лабораториялари ҳиссасига тўғри келади. Мазкур йўналишларда мутахассисларнинг билим, тажриба кўникмаларини

ўчоқларида мулоқотда бўлган кишилар лаборатория йўли билан текширилди. Касаллик ўчоқларида ветеринария хизмати ходимлари билан ҳамкорликда тегишли тадбирлар ўтказилди.

Яна бир нарсани айтиш жоизки, шаҳар ва туманлар лабораториялари ходимлари иштирокида ўтган давр мобайнида 3 марта виллоятда, 2 марта республика миқёсидаги ўқув семинарлар ташкил этилди. Юқори савияда ташкил этилган республика миқёсидаги семинарда Учқўрғон ва Уйчи туманлари бўлимлари "Энг намунали муассаса" мақомига муносиб деб топилди.

Бошқарма ва унинг бўлимларида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасига алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилнинг ўзида 26 минг туп гул, 1751 тупдан ошиқ мевали, манзарали дарахтлар экилиб, парваришланмоқда. Ўн тўртта шаҳар ва туман бўлимларида 120 мингдан зиёд гул, 6702 туп дарахт ва манзарали кўчатлар экилиб, яшил маконлар яратилди.

Бошқармада устоз-шоғирд анъанаси юқори савияда йўлга қўйилган. Соҳада узоқ йиллик тажрибага эга Мадаминжон Тоҳиров, Юсуфхўжа Хожиев, Мирзааҳмад Юлдашев, Гавхар Нойимова, Ҳабибулло Абдуллаев, Абдуҷаббор Ўринов, Ҳабиба Набиева сингари касбининг фидойилари Сардор Раҳмонов, Равшан Маҳмудов, Сардор Тиллаев, Абдулло Умаров, Исломжон Ҳасанов, Сардор Абдулазизовдек ёш мутахассисларга бой



ҳаётий тажрибаларини сидқидилдан ўргатиб келмоқдалар.

Тизимда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган, фаолияти давомида юқумли, паразитар касалликларнинг олдини олиш, шунингдек, "COVID-19" пандемияси даврида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган Олимжон Ахунов, Нилуфар Аҳмедова, Шоҳиста Абдуллаева, Ҳулқар Тўражонов, Гўзал Раҳмонова, Сардор Ҳабибуллаев каби бир қатор саломатлик посбонлари давлатимизнинг орден ва медалларига муносиб деб топилди.

Баралла айтишимиз мумкинки, айни замонда шак-шубҳасиз ахборот асрида яшаяпмиз. Шундай экан, бошқа соҳалар қатори тизимда ҳам асосий эътиборни тарғибот самарадорлигига қаратмоғимиз керак. Қачонки, биз эътиборимизни ҳамкор ташкилотлар билан жойларда аҳолининг тиббий саводхонлигига қаратсак, кўзлаган мақсадларимизга тўлақонли эришамиз. Соғлом турмуш тарзи, соғлом овқатланиш борасида ижобий кўрсаткичларга муваффақ бўламиз. Юқумли ва паразитар касалликларнинг камайиши ва тарқалишининг олди олинади. Ана шу мақсадда бошқарма ва шаҳар, туман бўлимларида оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ишлаш бўлими фаолиятини янада такомиллаштиришга катта аҳамият қаратмоқдамиз. Телевидение, радио, босма нашрлар, ижтимоий тармоқлар билан ҳамкорликни кучайтиряпмиз. Келгуси йил мобайнида бошқармада замонавий "Медиа марказ"ни ишга тушириш тадоригини кўраяпмиз.

Юқоридаги факт ва рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, Президентимиз, Хукуматимиз томонидан тизимда эркин ва самарали фаолият юритиш учун керакли шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Биз, соҳа еталари эса халқимиз саломатлиги, осойишталиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилишимиз зарур.

Дилмурод ЭРГАШЕВ,
Наманган виллояти Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи.



ОЛТИНСОЙЛИК ИРРИГАТОРЛАР

СУҒОРИШ ТАРМОҚЛАРИНИ БЕТОНЛАШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Айрим каналлар эса Денов ва Шўрчи туманлари худудидан ўтади, натижада обихаётнинг бир қисми қўшнилари даласига йўналтирилади. Бу далилларни айтишдан мақсад шуки, Олтинсой тумани ерларининг сув таъминоти анча оғир. Бунга яхши билган ирригаторлар лимит бўйича ажратилаётган сувдан унумли фойдаланиш, ҳар қатрасини тежаш ва иқтисод қилиш ниятида охиригки икки

фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ғи қароридан сўнг туман "Сув етказиб бериш хизмати" давлат муассасасининг нуфузи ошди ва имтиёзлари кенгайди. Жумладан, истеъмолчилар далаларига етказиб берилаётган сув учун давлат бюджетига ундириладиган солиқ тушумининг 40 фоизи ДМлар ихтиёрида қолдирилётгани ирригация тармоқларини таъмирлаш-тиклаш, бетонлаш ҳамда гидротехник



йил орасида туман худудидagi канал, шохариқ ва ички суғориш тармоқларининг тупроқ ўзани қисмларини бетонлашга алоҳида эътибор бермоқда.

Туман ирригаторлари маъмурияти ДМ балансидаги суғориш тармоқларини ўз маблағлари ва сувчиларни сафарбар қилиш ҳисобига бетонлаштираётган бўлса, фермер ва кластер ташкилотлари далаларига сув олинadиган ички суғориш тармоқларини истеъмолчиларнинг маблағи ва техникасини, шунингдек, маҳаллалар оқсоқоллари билан ҳамкорликда аҳолини жалб этиш ҳисобига бетонлаштиришяпти.

Президентимизнинг сув ҳўжалиги соҳасини ислоҳ қилишга доир фармон ва қарорлари, хусусан, 2024 йил 5 январдаги "Қўйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан

иншоот ва гидростратини янгилаш-таъмирлаш учун шароит яратмоқда. Мисол учун туман ДМ ўз маблағи ҳисобига бетонқорғич техникаси, цемент, тош-шағал ва бошқа зарур қурилиш хомашёлари харид қилиб, канал ва шохариқларнинг тупроқ ўзани қисминини пешма-пеш бетонлаштиряпти. Ўтган йил ва жорий йилнинг носоғориш мер ва кластер ташкилотлари далаларига сув олинadиган ички суғориш тармоқларини истеъмолчиларнинг маблағи ва техникасини, шунингдек, маҳаллалар оқсоқоллари билан ҳамкорликда аҳолини жалб этиш ҳисобига бетонлаштиришяпти.

Шу кеча-кундузда туман сувчиларининг 29 нафари бетонқорғич ва бошқа техникалар ёрдамида "Ширин" худудидagi "Р-8" шохариқнинг 2 километр қисмига бетон қоплама ётқизишмоқда.

Аму-Сурхон ИТХБ матбуот хизмати

(Боши 1-саҳифада)

Ўза селекцияси бўйича кейинги йилларда амалга оширилган ишлар ва эришилган ютуқлар биринчи навбатда ўзанинг тезпишар, тола сифати бўйича жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган навлари яратилишига катта эътибор қаратилиши натижасидир. Селекция нуқтаи назаридан мукамал бўлган ҳар бир нав ирсий хусусиятларини узоқ давр ичида, бир қанча авлод давомида мустаҳкамлаб, сақлаб бориш қобилиятига эга бўлади. Бироқ кўпайтириш ва ишлаб чиқаришида улардан фойдаланиш пайтида мазкур навга хос бўлган ҳўжалик-биологик белгилар аста-секин пасайиб, нав ёмонлашади. Навлар асосан қўйидаги сабаблар таъсирида ёмонлашади: тасодифий ва биологик ажраллиш ҳодисасининг ози бериши, ўсимликларнинг касалланиши, мутация ҳодисасининг рўй бериши. Бу ҳодисаларнинг ҳар бири мустақил таъсир қилганда навларда бўладиган ўзгаришлар ва уларнинг ёмонлашиш тезлиги бир хил бўлмайди. Навларнинг биологик ифлосланишига уларнинг четдан чангланлиб олинишидан ташқари навга тасодифан қўшилиб қолган аралашма ҳам сабаб бўлади, чунки битта аралашиб қолган ўсимликда ҳосил бўлган чанг доначалари асосий навнинг теварак-атрофда ўсиб турган кўплаб ўсимликларини четдан чангланлишида иштирок этиши мумкин, чунки хазмогам (очик) гул хусусиятига эга бўлган барча навлар четдан чангланлиш асосида бузилади. Бу ҳолатни тадқиқ этган олимларнинг кўрсатишича, ўза ўсимлиги 80 фоизгача четдан чангланлиш имкониятига эга экан. Бизнинг тадқиқотларимизда эса, хазмогам гулли навларнинг четдан чангланлиш

ЎЗАДА ХАЗМОГАМ ВА КЛЕЙСТОГАМ ГУЛЛАШ БЕЛГИЛАРИ

ҚАНДАЙ КЕЧАДИ?

ва биологик ифлосланиш даражаси бирдан 20 фоизгача ташкил этиши натижасида, ўсимликларнинг генетик бир хиллилик даражаси ўзгарди.

Клейстогам гул типига эга бўлган ўза навларида эса гуллари герметик ёпиқ бўлганлиги учун четдан умуман чангланмайди, биологик

софлик даражаси жуда юқори бўлади. Уруғчилик элита фермер хўжаликларидида клейстогам гулга эга навларнинг экилиши хазмогам гулларга нисбатан иш унуми ва самарадорлигини бир неча марта ошириш ҳамда ўсимликларнинг четдан чангланлишига табиий ҳолда тўсиқ қўйишга олиб келади.

Ўзанинг Г. Барбаденсе Л. ва Г. Ҳирсутум Л. турларига мансуб дурагай, оила ва тизмаларида клейстогам гул ва кимматли хўжалик белгилари орасидаги ўзаро боғлиқликларни ўрганиш асосида ўзанинг янги нав, тизма ва бошланғич ашёларини яратиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ингичка ва ўрта толали ўза навлари селекциясида тезпишар, серҳосил, тола чиқими ва узунлиги юқори, вилт ва бошқа касалликларга чидамли, баргининг табиий тўкилиши, табиий чилпиш, клейстогам гулли хусусиятларга эга толасининг технологик кўрсаткичлари жаҳон андозалари талабига мослиги таъминланган навлар яратиш долзарб ҳисобланади.

Ингичка толали ўзанинг янги яратилган "СП-7701" навининг қимматли хўжалик



Ўрта толали ўза

белгилари қўйидагича: нав клейстогам хусусиятли герметик ёпиқ гулли, экологик хавфсиз, биологик софлик даражаси 96-98 фоиз, чекланган шохланиш типига эга, толаси оқ рангли, ҳосили чаноғидан тўкилмайди. Уруғи ўртача катталиқда, микропил ва халаза қисмида озгина тукчалар бор. Ўсимликнинг ўсув даври 115-120 кун. Биринчи ҳосил шохи 4-5 бўғинда жойлашган. Кўсақдаги пахта-навни вази 3,3-3,8 г, чаноқлар сони 3-4 та. Тола чиқими 37,5-38,5 фоиз, 1000 дона чигт вази 116 г. Ушбу нав И "А" типга масуб бўлган, юқори сифатли толага эга. "Сифат" тола сертификация маркази берган маълумотларга қўра "СП-7701" навининг толаси қўйидаги кўрсаткичларга эга: микронеёр



Ингичка толали ўза

(мис) кўрсаткичи - 4,1; солиштирма узилиш кучи (стр) - 41,1 г/с/текс; тола узунлиги (лен) - 1,39 дюйм, нур қайтариш коэффицентини (Рд) - 78 - 79%; сарғишлилик даражаси (+б) - 9,2%. Навнинг яна бир афзаллик томони, бу толасининг оппоқ ранги билан бошқа навлардан ажралиб туришидир. Тўқимачилик саноати томонидан қўйиладиган меъёрий талабларга (Ўз ДСТ 604:2001) кўра навнинг толаси И "А" типга ва жаҳон бозори талабларга жавоб беради.

"СП-7701" нави ёпиқ гулли бўлганлиги сабабли уруғчилик ишларида четдан чангланлишни бартараф қилиши, тезпишарлиги ўрта толали навларга яқин бўлиб, қисқа ва тез фурсатларда ҳосилни териб олиш имкониятини беради. Тадқиқотлар асосида очик гулли навларда содир бўладиган четдан чангланлиш муаммосини клейстогам гулли навлар селекцияси асосида ҳал қилиш ва элита уруғчилик хўжаликларидидаги мураккаб ишларни бартараф қилиш имкониятини яратиши аниқланди.

Клейстогам герметик ёпиқ гуллилик белгисининг генетикаси ва селекцияси асосида тезпишар, серҳосил, касалликларга чидамли, юқори тола чиқими, толасининг сифат кўрсаткичлари И-ИВ саноат типига эга бўлган ингичка ва ўрта толали ўза навларини яратиш ва уларни амалиётда қўллаш борасидаги тадқиқотларимиз давом эттирилмоқда.

Қамоладдин ХУДАРГАНОВ,
Тошкент давлат аграр университети профессори,
Мавлуда АБДУЛЛАЕВА,
қшилоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори (PhD).

"Ким исломда бир яхши йўлни жорий қилса, унга унинг ажри ва ундан кейин унга амал қилганларнинг ҳам ажри ёзилади"

Ўн та мактабга мингта китоб совға қилинди

ТЕХНИКАВИЙ МАГНИЙ СУЛФАТ

UzTR.91-038:2022 / O'zMS 201:2024 (TIF TN kodi 2833 21 000 0)

ТЕХНИКАВИЙ МАГНИЙ СУЛФАТ ТАРКИБИДА 15 FOIZGACHA МАГНИЙ БО'ЛГАН О'G'ITDIR. СУВДА YAXSHI ERIYDI, YOPISHIB QOLMAYDI, YAXSHI SOCHILADI. МАГНИЙ O'SIMLIKЛАРNING TUPROQDAN FOSFORNI OLISHINI VA O'SIMLIKЛАR TOMONIDAN UNING O'ZLASHTIRILISHINI YAXSHILAYDI. TUPROQDA MAGNIYNING YETISHMASLIGI O'SIMLIK BARGLARINING MARMAR TUSGA KIRISHINI VA O'SIMLIKЛАRDA XLOROZNI KELTIRIB CHIQAIRADI. BUNDAY HOLLARDA MAGNIY O'G'ITINI QO'LLASH ZARUR.

Magniyli o'g'it meva va sabzavotlarning hosildorligini oshiradi, ularning sifatini, ya'ni kartoshkaning serkraxmalligi, meva va sabzavotlarning servitamililigini yaxshilaydi. Meva hosil bo'lish jarayonida magniyning ahamiyati katta, shuning uchun ko'pgina qishloq xo'jaligi ekinlari magniy o'g'itiga vegetativ rivojlanishiga qaraganda, generativ rivojlanishda ehtiyoji kuchliroq bo'ladi. O'g'it ochiq va himoyalangan yerlarda, har qanday sug'orish tizimi orqali solinadi, sabzavotchilikda qo'llash uchun juda qulaydir. U o'simliklar tomonidan tezda va to'liq o'zlashtiriladi, ildizdan tashqari oziqlantirish uchun yaroqlikdir.

Texnikaviy magniy sulfat nafaqat qishloq xo'jaligida, balki sanoatning ko'pgina tarmoqlarida, jumladan, sintetik yuvish vositalari ishlab chiqarishda, yem achitqisini tayyorlashda, konchilik sanoatida, sellyuloza-qog'oz sanoatida, magnezial sement komponenti, yo'l va aerodrom asoslari va qoplamalari qurilishi uchun qo'shimcha sifatida, to'qimachilik sanoatida, shoyi va paxtani to'ldiruvchi va og'irlashtiruvchi sifatida ham qo'llanilishi mumkin.

MAGNIYNING O'SIMLIKЛАRGA TA'SIRI

Magniy o'simliklar uchun eng muhim oziqlantiruvchi moddalar tarkibiga kiradi. U azot, fosfor va kaliydan keyin o'simliklar uchun muhim makroelement bo'lib, xlorofil hosil bo'lishi jarayonlarida ishtirok etadi. O'simliklarning o'sish va rivojlanishida to'g'ri oziqlantirish juda muhim. Magniy o'simlik fotosintezni bajara olmaydi. O'sish jarayonida va quruq davrda o'simliklarning magniyga bo'lgan ehtiyoji eng

yuqori hisoblanadi.

Magniy makroelementi ayniqsa, quyidagi o'simliklarga mos keladi:

- don va boshqoqli ekinlar;
- kartoshka;
- soya va boshqa dukkaklilar;
- sabzavot ekinlari;
- mevali daraxtlar.

O'simliklarda magniy yetishmovchiligi belgilari quyidagilar:

- barglarning yuzasida quyuk jigarrang tusdagi dog'lar paydo bo'ladi;
- qisqa vaqt ichida o'simliklarning pastki barglari sariq rangga ega bo'ladi;
- eski barglar naychaga o'raladi va to'kiladi.

Qo'llash bo'yicha tavsiyalar:

Bahorda azotli va fosforli o'g'itlar bilan birgalikda tuproqni tayyorlashda bodring, pomidor ostiga - 7-10 g/m²; sabzavot va manzarali ekinlar ostiga - 12-15 g/m²; me-

vali daraxtlar ostiga, poya aylanasiga-30-35 g/m² dan solinadi.

Ozuqali oziqlantirish vegetatsiya davrida magniy sulfat eritmasi bilan har 15-20 kunda 10 l. suvga 25 g. hisobidan o'tkaziladi.

Ildizdan tashqari oziqlantirish uchun (sepsi bilan) 0 l. suvga 15-20 g. miqdorida ishchi eritma ishlatiladi.

Ishchi eritmaning sarfi ekinlar va vegetatsion massaning o'lchamiga bog'liq va sepsishda quyidagilarni tashkil etadi:

- malina, smorodina va boshqa buta o'simliklariga - 1,5-2 l/m²;
- mevali daraxtlarga 2-3 l, yosh va katta daraxtlarga 5-10 l. miqdorida solinadi.

Xavfsizlik talablari:

Texnikaviy magniy sulfat zaharli emas, yong'in va portlash xavfi yo'q.

Inson organizmiga texnikaviy magniy sulfatning ta'sir qilish darajasi bo'yicha xavflilikning 4-sinfiga taalluqlidir. Ishlab chiqarish xonalari havo keltiruvchi-tortuvchi ventilyatsiya bilan ta'minlangan bo'lishi kerak.

Ishlarni shaxsiy himoya choralari, shaxsiy gigiyena qoidalariga rioya qilgan holda maxsus kiyim va me'yorga binoan bajarish kerak.

Tashish va saqlash: o'g'itni saqlanishini ta'minlaydigan transporting barcha turlarida ushbu transport turiga amal qiladigan yuklarni tashish qoidalariga muvofiq tashiladi.

Polietilenli paketlar, polietilen plyonkali paketlar, polivinilxlorid plyonkali paketlar va polietilenli qoplanga 1, 3, 5, 10, 25 kg. og'irlikda joylanadi.

Namlanish, ifloslanish va idishning mexanik shikastlanishidan himoyalaydigan yopiq, quruq omborxonalarda saqlanadi.

Ko'rsatilgan saqlash sharoitlariga rioya qilinganda yaroqlilik muddati cheklanmagan.

N ^o	Ko'rsatkichlar nomi	Me'yor
1	Tashqi ko'rinishi	Sarg'ish tusli oq rangdagi kristallar yoki kukun
2	Magniy sulfatning (MgSO ₄ ·x7H ₂ O) massa ulushi, %, kam emas	91,7
3	Magniy oksidi (MgO) ning massa ulushiga qayta hisoblanganda %, kam emas	15,0
4	Suvda erimaydigan qoldiqning massa ulushi, %, ko'p emas	0,6
5	Xlorid ionlar (Cl) ning massa ulushi, %, ko'p emas	0,3
6	Temir ionlari (Fe) ning massa ulushi, %, ko'p emas	0,1



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ЎЗГУ АМАЛЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИНГ!

Бир гуруҳ аъробийлар Набий саллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келишди. Уларнинг аҳволи жуда ҳам оғир эди. Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам кишиларни уларга садақа беришга чақирдилар. Кишилар садақа қилмай туриб қолишди. Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам бундан хафа бўлдилар. Бу нарса у зотнинг юзларидан билинди...

Бироздан сўнг ансорлардан бири киши бир ҳамёнда кумуш олиб келиб садақа қилди. Ундан кейин яна бир киши садақа қилди. Уларни кўрган бошқалар ҳам садақа қилишни бошлашди. Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам хурсанд бўлдилар. Бу нарса у зотнинг юзларидан билинди. Сўнгра дедилар: "Ким исломда бир яхши йўлни жорий қилса, унга унинг ажри ва ундан кейин унга амал қилганларнинг ҳам ажри ёзилади. Амал қилганларнинг ажридан эса ҳеч нарса камайтирилмайди. Ким исломда бир ёмон йўлни жорий қилса, унга унинг гуноҳи ва ундан кейин унга амал қилганларнинг ҳам гуноҳи ёзилади. Амал қилганларнинг гуноҳидан эса ҳеч нарса камайтирилмайди!"



Қизингизнинг маҳрини катта сўраманг, куёвни ҳар хил талаблар билан қийнаманг, келин томонга ҳам ҳар-хил солиқлар солманг, ўзгаларга ўрнак бўлинг! Тарозунгизда бу албатта тош босади.

Тўйни камхарж қилинг, одамни оз айтинг, ундан тежаган пулингизни бошқа эҳтиёжларингизга ишлатинг! Кимдир сизга эргашса ажрингиз кўпаяди. Бу йўлда маломатчининг маломатидан кўрқманг! Муҳими, сиз Пайғамбарлар йўлидасиз.

Уйингизда ижарага турганлар агар тўлай олмасдан, қийналишса, уларни кечиринг, кўчага хайдаманг! Шояд кимдир сизга эргашса. Ана шунда ажрингиз кўпаяди.

Йилда битта талабанинг харажатларини кўтаринг, шартнома тўловларини қилиб беринг! Кимдир бу ишда сизга эргашса, ажрингиз тагида қоласиз.

Шифокор бўлсангиз, бир ойда битта беморни бепул кўринг! Шояд бирор ҳамкасбингиз сизга эргашса, ажрингиз кўпаяди.

Уйингиз, дарвозангиз олдида чироқ ёқиб қўйинг, ўтганлар хатарсиз ўтсин, кечаси қоқилмасин! Ўтаётганлардан кимгадир бу ишингиз маъқул тушиб, сизга эргашса, ажрингиз кўпаяди.

"Набий саллаллоху алайҳи ва салламга ҳар куни минг марта саловот айтинг, бунинг ортидан келадиган баракани ва кўп енгилликни кўрасиз".

Яҳёхон БАДРИДИНОВ,
Норин туманидаги Бадриддин ҳожи жомеъ масжиди имом хатиби.

Реклама ва эълонлар

MAHAM - CHIRCHIQ

Mahsulot 100% suvda eriydi.

Mahsulot sertifikatlangan
UZ SMT 01.0088.124826662
UzTR.91-038:2022 / O'zMS 201:2024

ТЕХНИКАВИЙ МАГНИЙ СУЛФАТ

Tarkibida: MgO (magniy) – 15 % | S (oltingugurt) – 12 %

Manzil: O'zbekiston Respublikasi, Toshkent viloyati, Chirchiq shahri, Toshkent ko'chasi, 2-uy.

Tel: +998 (7171) 6-25-20, 6-34-40, 9-35-08.
Faks: +998 (7171) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chirchiq.uz
www.maxam-chirchiq.uz

Мухитдинова Фарруха Фахридиновна номига 2004 йил 20 октябрда 09-01/7347 рақами билан берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Сорокина Людмила Ивановна номига 1993 йил 19 апрелда 00-21/2274 рақами билан берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

АБДУЛЛА ОРИПОВНИ ЭСЛАБ

БЕКБОД ТУМАНИ МАРКАЗИДАГИ МАДАНИЯТ УЙИДА "ДОЛЗАРБ 90 КУН" ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ, ХАЛҚ ШОИРИ, МИЛЛАТИМИЗНИНГ ЁРУФ ЮЛДУЗИ АБДУЛЛА ОРИПОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ КЕЧА ЎТҚАЗИЛДИ.

Тадбирга шoirнинг рафиқаси Ҳанифа ая Мустафаева, кенжа қизи, Ёзувчилар уюшмаси ходими Рухсора Орипова, Мудофаа вазирининг ватанпарварликни тарғиб қилиш бўйича маслаҳатчиси Олимжон Ўсаров ташриф буюрди. Шoirнинг қайноқ ижоди ҳақида Ҳанифа ая фахр ила сўзлаб берди ва Абдулла Ориповнинг умрининг сўнгги дамларида Америкада битган фалсафий мушоадалари, юрт соғинчи ва ҳайратдан иборат бўлган беназир сатрлари бўлмиш "Уммон бўйидаги ўйлар", "Буюк содаллик" бадиий китобларининг гоёси, дунёга келиш тарихи ҳақида гапириб ўтди.

"Ҳар мактабга юз китоб" ташаббусига кўра, 10 та мактабга мингта китоб совға қилинди. Маънавият қарвони тадбирида мактаб раҳбарлари, ота-оналар, шoir мухлислари фаол иштирок этиб, катта таассурот олди.

Маънавият байрамида Мудофаа вазириликка қарашли ансамбль ҳарбий ва лирик куй кўшиқлар ижро этиб, даврга файз киритди.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Келин сарполарини МИБ орқали қайтариб олди

АФСУСКИ, ҲАЁТДА ТУРЛИ ВАЗИЯТЛАР УЧАЙДИ. ОИЛАВИЙ АЖРАЛИШЛАР ЭСА НАФАҚАТ РҲҲҲ, БАЛКИ МОДДИЙ ТОМОНДАН ҲАМ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ТУЕДИРИШИ МУМКИН. АЙНИҚСА, КЕЛИНЛИК САРПОЛАРИНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШ БАЪЗИДА МУАММОГА АЙЛАНАДИ. АММО ҚОНУН ҲИМОЯСИДА БУНДАЙ МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛАДИ.

Яқинда Мажбурий ижро бюросининг Зарбдор тумани бўлимига Фуқаролик ишлари бўйича суднинг бир ижро ҳужжати келиб тушди. Унга кўра, фуқаро Ғ.Ф. фойдасига, ажрашган турмушдан сўнг, келин бўлиб тушган уйдан 24 турдаги шахсий мол-мулкларни (келинлик сарполарини) олиб бериш белгиланган эди. Давлат ижрочиси ушбу ижро ҳужжати асосида ишга киришди. Қарздор томон билан музокаралар олиб борилиб, ижро ҳаракатлари амалга оширилди. Холислар иштирокида ҳужжатда кўрсатилган 24 турдаги мол-мулк тўлиқ хатловдан ўтказилиб, ундирувчи фуқарога (келинга) қайтариб берилди.

МИБ ходимларининг тезкор ва қонуний ҳаракатлари натижада фуқаро ўз қонуний мулкни қайтариб олишга муваффақ бўлди.

Низом БЎТАЕВ,
МИБнинг Зарбдор тумани бўлими бошлиғи.

Соғлиқ – ўзимизга боғлиқ

КУРКУМА 14 ХИЛ ДОРИНING ЎРНИНИ БОСАДИ

Куркумани сувга солиб, ўн дақиқа қайнатинг ва совутгичда сақлаб, ҳар куни бир қошиқдан иссиқ сутга солиб ичинг! Шунда артрит, суяк огриги, яллиғланишдан халос бўласиз. Бу ҳатто қариш жараёнини ҳам секинлаштиради.

Куркумадаги куркумин моддаси бугунги кунда дунё олимлари томонидан артритга қарши энг кучли табиий модда сифатида таъкидланмоқда.



Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси комплекс
таркибидagi ҳамда бошқа давлат
вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир:
Чори
ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Ақтам ХАЙТОВ,
Эшмирза АБДУЛАМИНОВ,
Ҳабиб ТЕМИРОВ,
Раимқул СУЯРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Маtbуот ва аxbорот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Нашр индекси – 144. Буюртма Г-717. 1450 нусхада чоп этилди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Тахририят манзили: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Бахоси келишилган нархда.
Саҳифаловчи-дизайнер: М.ЮСУПОВ
Газета "Шарқ" нашриёт-маtbаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



Босишга топириш вақти: 21.00
Босишга топирилди: 21.10